



Баҳодир СУЮНОВ
Бош мутахассис
“Маҳалла зиёси” РЎУМ
филология фанлари номзоди

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОСИ

Мақолада илмий-техник соҳадаги терминлар тизими, шу жумладан, тиббий терминлар, тилимизда уларни қўллаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз боради. Терминларнинг умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли жиҳатлари, айрим хорижий тиллардан ўзлашган терминлар ва гибрид терминларнинг юзага келиши хусусидаги фикрлар тақдим этилган. Айниқса, тиббиётга оид ясама терминларнинг семантик хусусиятлари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги мулоҳазалар эътиборга лойиқ.

В статье идет речь о научно-технических терминах и некоторых проблемах применения терминов в узбекском языке. В статье также поднимается вопрос о разграничении терминов и общеупотребительных слов, заимствованных терминах из иностранных языков, а также о появлении гибридных терминов. В большей степени уделялось внимание семантическим особенностям ложных медицинских терминов и их использованию.

In the article is spoken about scientific – technical terms, and about some problems of using term in our language. Here is founded their reflection the tasks on the distinctive aspects of terms from the common used words, and also about some terms, assumed from foreign languages, and about appearance of the hybrid terms. Particularly, facts in the article semantic peculiarities of false medical terms and opinions on their usage have nowadays opinions on their usage have nowadays the actual meaning.

Калит сўзлар: термин, компонент, лексема, тушунча, система, лексик маъно, бирлик, нутқ, маъно кўчиши, маъно тараққиёти, луғат, семантика.

Ключевые слова: термин, компонент, лексема, понятие, система, лексическое значение, единство, речь, перенесение значения, значение развития, словарь, семантика.

Key words: term, component, lexeme, notion, system, lexical value, meaning, unite, speech, portable values, values of development, dictionary, semantic.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник соҳаларда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни, аввало, ўзбек тили лексикасида ўз аксини топмоқда. Бу эса, айти пайтда, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, янги сўз, тушунча ва терминларнинг вужудга келишини тақозо этмоқда. Шу боис ўзбек тили терминологиясининг назарий ва амалий

жихатларини илмий асосда чуқурроқ ўрганиш муҳим ва жиддий масалалардан бири бўлиб қолди.

Терминология илмий адабиётларда муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро боғлиқ бўлган терминларнинг жами сифатида таърифланган(3, 43). Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизим фан тараққиёти билан биргаликда ривожланади. Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб, уларнинг қўлланиши муайян даражада назорат остида бўлади.

Тилда терминлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки улар заруриятга кўра юзага келиб, шаклланади ва тил тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, ўзгариб боради.

Оддий сўздан фарқли равишда терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмайди, яъни лексема муайян соҳада қўлланилар экан, унинг айна маъноси сақланиб қолаверади. Бироқ, кўп маъноли терминларнинг аниқ маъносини ажратиш олиш учун контекст зарур.

Терминларни қўллашда тилимизда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд:

1. Нутқ муаллифи терминнинг туб маъносини тўғри англаб етмайди. Натижада, уни мантиқан тўғри келмайдиган сўзлар билан бириктириб, жумла тузади.

2. Баъзан муаллиф онгли равишда мавжуд терминлардан фойдаланмасдан, омма учун тушунарсиз – янги терминлардан фойдаланади.

3. Кўпинча, тилни яхши билмаслик, унинг лексик-семантик, синтактик имкониятлари ҳамда хусусиятларини яхши тушунмаслик сабабли нутқда терминлар мантиқан нотўғри қўлланилади.

4. Тилда сўз ясашиши қонун-қоидаларини яхши билмаслик натижасида ҳам нотўғри терминлар яшаш ёки ижод қилиш кузатилади.

Демак, тилимизда шундай сўзлар борки, улар алоҳида семантик майдон сифатида фан билан, фан тараққиёти, ундаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади ва яшайди.

Бундай сўзлар терминлар номи билан юритилиб, тегишли фан ёки соҳа учун хизмат қилади. Бирор-бир фанни терминсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки фаннинг мавжудлиги ва ривожланиши маълум маънода терминлар билан боғлиқ. Термин фаннинг яшаш ва курашиш куролидир.

Термин – касбий маъно англатувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касб нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир соҳанинг термини ўша соҳа доирасида қўлланилади, аниқроғи, касб-ҳунар эгасининг нутқини шакллантиради, ўзаро

нутқий муомала учун шарт-шароит яратади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, муайян касб-ҳунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар, кўпинча, у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур терминлар ушбу соҳалардан узоқроқ бўлган касб эгасининг нутқида ишлатилмайди.

Биринчи навбатда терминларнинг лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Чунки, термин, даставвал, сема (маъно)ларига кўра фарқланади. Терминнинг аниқлиги, бир маънолилиги ва илмийлиги уни умумистеъмолдаги сўз ва атамалардан фарқлаб туради.

Терминологик бирикмаларнинг кўп лексемали бўлиши ва улар компонентларининг сони, тилимиздаги терминларни қўллаш чегарасини белгилаб олиш кейинги йилларда тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда.

Терминологик тизимнинг ривожланиб бориши ва ундан фойдаланиш масалалари хусусида илмий адабиётларда, жумладан, шундай дейилган: “Фан ва техника шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда хилма-хил фан соҳаларида кун сайин кўплаб янги тушунчалар вужудга келмоқда. Табиийки, уларнинг барчаси махсус тил birlikлари, яъни терминлар билан ифодаланади. Ҳар бир соҳада ахборот узатиш ва қабул қилиш учун ўша соҳанинг барча талабларига жавоб бера оладиган, тартибга солинган терминлар тизимига эҳтиёж сезилади”(2, 46).

Ўзбек тилининг соҳаларга оид терминологиясини шакллантириш ва бойитишда ўзлашма сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараён бошқа тиллардан терминларни айнан ўзлаштириш ёки чет тил терминларини калькалаш орқали амалга оширилмоқда. Айниқса, халқаро терминэлементлар асосида ўзбек тилида янги лексик birlikлар ҳосил қилиш фаоллашди. Кўпгина тилларда халқаро терминэлементлар сифатида эътироф этилиб, кенг қўлланилаётган икки мингга яқин терминэлемент, асосан, лотинча ва юнонча морфемалардан иборат. Уларнинг баъзилари турли соҳа терминларини ҳосил қилишда иштирок этса, айримлари муайян соҳалардагина термин ясайди.

Бошқа тиллар терминологиясидаги каби, ўзбек тили терминологиясида ҳам илмий-техник тушунчаларни ифодалаш учун юзлаб халқаро терминэлементлардан фойдаланиб келинмоқда. Халқаро терминэлементларнинг асосий қисми генетик жиҳатдан мустақил сўзларни қисқартиришдан ҳосил қилинган, улар: *авто-*, *агро-*, *аэро-*, *био-*, *макро-*, *микро-*, *ультра-* сингари термин ясовчилар ва *-лог*, *-логия*, *-бус*, *-фоб*, *-скоп*, *-изм* каби ўз семантикасига эга бўлган фаол термин ясовчи морфемалардир. Бирор соҳа йўқки, бундай морфемалар билан термин ясалмасин.

Бугун таркибида халқаро терминэлементлар мавжуд бўлган минглаб сўзлар ўзбек тили луғат таркибини ва унинг терминологик тизимини

бойитмоқда. Бундай терминэлементлар ўзбекча сўзларга ҳам қўшилиб, янги терминлар ясаши, ясама терминнинг қисқалиги, тушунчани аниқ ифодалай олиши, қўшиб ёзилиши жиҳатидан терминологик талабларга мос келганлиги боис уларнинг миқдори ошиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминларни тадқиқ этган тилшунос А.Мадвалиев ўзбек тилида гибрид терминларни ҳосил қилувчи халқаро терминэлементларнинг миқдори 50тадан кўп эканлигини таъкидлаган бўлса(1, 58), бугунги кунда уларнинг сони 100тадан ошиб кетди. Масалан, кейинги ўн йилликда терминологиямизда пайдо бўлган **эко-** (экология сўзининг қисқарган шакли) терминэлементи воситасида **экоҳаракат, экотуризм, экомаданият, экотизим** каби ўнлаб гибрид терминлар ясалдики, улар умумистеъмолда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, халқаро термин-элементларнинг терминологиядаги имконияти жуда кенг, улар соҳалар терминологиясини тизимга солишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбек тиббиёт терминологиясида хорижий тиллар, жумладан, юнон, лотин, рус, араб, форсий ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлар ишлатилиб келинмоқда. Бундай халқаро терминларнинг ҳам тилимиз таракқиётида ўз ҳиссаси бор.

Хусусан, тиббиёт соҳасида кенг қўламда қўлланиб келаётган **аэротерапия** терминини олсак, (юнончада) бу термин асосидаги *aer* – ҳаво, *therapeia* – даволаш маъноларини англатади. Организмни чиниқтириш ва даволаш мақсадида очик ҳаводан фойдаланиш усули. Аэротерапиядан, кўпинча болалар организмни чиниқтириш ва ташқи муҳитнинг ноҳуш омилларига нисбатан чидамани ошириш, шунингдек ўпка, суяк, тери, бўғим сили, камқонлик, асаб ва юрак-томир тизимининг функционал касалликларини даволашда фойдаланилади. Аэротерапиянинг ҳаво ванналари билан даволаш тури тиббиётда кенг қўлланилмоқда.

Кўрииб турибдики, *аэро* ҳамда *терапия* сўзларидан таркиб топган бу ясама термин *терапия* сўзига *аэро* олд қўшимчасини қўшиш орқали ясалган. Бу ўринда феълдан қўшма от вужудга келган.

Худди шундай **иммунитет** термини лотинча *immunitas* сўзидан олинган бўлиб, *бирор нарсадан халос бўлиш, қутулиш, холи бўлиш* маъноларини англатади. Яъни, организмнинг ўзидан ирсий жиҳатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорганизмлар (касаллик қўзғатувчилар), захарли моддалар ва бошқалардан химояланиш реакцияси(5). Ана шундай иммун химоядан тиббиёт амалиётида кишилар ҳаёти ва соғлигини сақлашда кенг фойдаланилади.

Бу терминнинг хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари фойдаланадиган *алоҳида имтиёз*, қонун чиқарувчи давлат органлари аъзолари (депутатлар)нинг дахлсизлиги, яъни *дахлсизлик* сингари маънолари ҳам мавжуд.

Иммунитет лексемасининг дастлабки *халос бўлиш*, *қутулиш* каби ҳаракат маъносидан *ҳимояланиш реакцияси*, *имтиёз*, *дахлсизлик* сингари предмет маънолари ўсиб чиққан. Маъно тараққиёти феъл туркумидан от туркумига оид маъноларни юзага келтирган. Иммунитет лексемасининг юқорида санаб ўтилган маънолари орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар бош маъно – *холи бўлиш* маъносига туташади. Бу эса сўзларда маъно кўчишининг метонимия усулига мисол бўлади.

Таъкидлаш жоизки, *иммунитет* термини бугунги кунда ижтимоий-сиёсий мазмун-моҳият касб этмоқда. Масалан, “Ўзбекистон халқи *мафкуравий иммунитетининг* таркибий қисмлари: “мафкуравий огоҳлик”, “мафкуравий хушёрлик”, “мафкуравий курашчанлик” ва ҳ.к.тушунчалар профессор-ўқитувчиларнинг қизгин маъруза, чиқишларида фаол муомалага киритилмоғи керак”(6, 55) жумласида иммунитет термини тиббий саломатлик муҳофазаси маъносидан узоқлашиб, ғоявий-ижтимоий ҳимоя маъносини ўзида мужассамлаган. Демак, бирор соҳага оид терминлардаги маъно тараққиёти бошқа соҳа терминларининг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. *Мафкуравий иммунитет* термини айти шу ходисага яққол мисол бўла олади.

Рентгенология термини радиологиянинг бир бўлими. Рентген нурларининг физик ва биологик хоссаларини, уларни илмий тадқиқот ва даволаш амалиётида қўллаш усулларини ўрганадиган фан.

Касалликни аниқлаш, олдини олиш (*рентгенологик текширув*, флюорография), шунингдек рентген нурларидан даволаш мақсадида фойдаланиш ишлари билан медицина рентгенологияси шуғулланади.

Юқорида таъкидланганидек, рентгенология сўзи ҳам *рентген* ва *логос* сўзларидан таркиб топган қўшма от ҳисобланади.

Хуллас, бугунги кунда тилимиздаги тиббиёт терминларини тўғри қўллаш ва талқин қилиш, уларнинг қўлланиш доираси ҳамда у билан боғлиқ муаммолар ҳақида кенг оммага маълумотлар бериш муҳим аҳамият касб этади. Терминологик тизим лексик бирликларга хос барча хусусиятларга эгаллиги боис ҳам бир бутун тизим – система-структура шаклида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мадвалиев М. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари. // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. — Тошкент, 1991. — 186 б.
2. Маҳкамов Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро термин-элементлар// “Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Тошкент, 2011. — 212 б.
3. Расулов Р. ва б. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. — Тошкент, 2010. — 331 б.
4. Саломатлик энциклопедияси. — Т.: Матбуот, 1983. — 245 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси /Т.Мирзаев ва бошқалар. — Т.: ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006, — 1024 б.
6. Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. — Т.: Маънавият, 2008.